









Хар фаслнинг ўз зийнати бор.

Нўмонжон Муҳаммаджонов олган сурат

АЛЛА — ҲАЁТ АЛИФБОСИ

Алла инсондаги ёшлик муҳитига берилган илк тарбия, илк меҳр уруғларини экиш жараёнидир. Алла фақатгина юпатиш учун эмас, балки гўдакнинг қалбини эзгуликка, муҳаббатга тўлдириш учун ҳам зарур. Ватанга садоқат ҳам, самимийлиги саховат ҳам, меҳру оқибат, гайрату шижоат, хуллас, ҳамма-ҳамма эзгу фазилатлар блага, энг аввало, она алласи билан сингиб боради.

куйлай бошлабди. Бу овоздан тоғу тошлар мумдек эрибди. Гўдак эса бирдан йиллаб юбориб, она кўнглини кувончга тўлдирибди. Ана шу дардлик кўшиқ алла деган ном олибди ва у муқаддас ҳаёт кўшиғи деб аталибди.

"Гўдакни тўғри тарбиялашда асосан икки нарсага аҳамият бериш керак. Биринчиси секин тебратиб туриш бўлса, иккинчиси она алласидир. Тебратиш орқали жисмоний тарбия амалга оширилса, алла орқали руҳий олам тарбияланади", — дейди Абу Али ибн Сино. Она сути фарзанднинг жисмига, алла руҳига муносиб озуқади.

зандини хавотир аралаш кувонч билан кута бошлабди. Аммо ўша кутилган вақт келгач, аёл не кўз билан курсинки, туғилган бола яна йиғламасмиш. Шунда она қалбидидаги ҳадсиз аламлар нидо бўлиб отилиб чиқиб, еру кўкни ларзага солибди. Аёл энди йиғламай, дардларини шикаста овозда

Ортиқали БЕХУТОВ, ТДПУ ўзбек тили ва адабиёти факультети 2-босқич талабаси



Хар нарсанинг тарихи, келиб чиқиши орқали унинг муҳитини англаб олиш мумкин. Алланинг келиб чиқиши ҳақида ҳам халқ орасида бир қанча ривоятлар мавжуд. Шулардан бирида айтилишича, қадим замонда бир сулув келинчанинг биринчи фарзанди туғилибди-ю, оламдан ўтибди. Дунёга келган иккинчи гўдакнинг тақдирини ҳам она учун изтироб ва алдамдан бўлак ҳеч нарса бермабди. Вақтлар ўтиб, аёл учинчи фар-

Исон мени — шодликни севади, излайди, мен ундан узоқлашсам, соғинади. Ҳайҳотики, инсондан мени узоқлаштирувчи ағёр мол-дунё севадидир. Одамни энди гўзаллик эмас, модда, мол-дунё ҳурсанд қилади. Мол-дунё, мансаб менинг ёвуз кундошларимдир. Мол-дунё инсонни шодликдан узоқлаштириб, ғамтавишлар оламига ташлайди. Шодлик инсонни далада, бора, жезга бўйда кутади, мол-дунё эса уни шаҳар, оломон, фалокат ва бахтсизлик сари бошлайди. Шодлик инсонни билимлар ўйида, ибодатгоҳ, мас-жидларда кутади, мол-дунё эса уни худбинлик, бузуқлик, ёмонликлар сари бошлайди. Шодлик инсонни кенг дала-водийларда кутади, мол-дунё эса уни очкўзликнинг қорону торларига бошлайди.

ШОДЛИК ҚЎШИҒИ

Шодлик Кўшиқ чиқиб, шарқин атлас рангларга бўяган тонларда кутади, лекин инсон рафтат уқусида бунин сезмайди. Шодлик номозимом пайтлари инсонни бунин ҳовлида, гулзар орасида кутади, лекин мол-дунё уни эртанги кун ташвишлари билан қўйилади. Инсон шодлигини севади, уни ўз ишларидан излайди, лекин уни шодликнинг қўшиғи билан қўйилади. Инсон ботиш чаноклардан қуриган шон-шукрат қаириндан шодликни излайди, лекин шодлик уни жисмлардан бўйдоғи оддий чайла ва кулбаларда кутади. Инсон золимлар ва қотиллар чехрасидан шодлик излайди, лекин шодлик оддий меҳнат аҳлининг очиқ чехраларида, лоқизалик гулзорларидадир. Инсон шодликни топиш учун айёрлик ва мол-дунёни востина қилади, аммо шодлик бундай востиларни яхши кўрмайди. У фақат ҳалол меҳнат, яхши хулқни ҳурмат қилади. Шодлик айтмади: «Мол-дунё дўстим — инсонни дод-фаред ва бақир-чақирларга ўргатади. Мен бўлсам инсонни сабр-қаноатга, кўнглидан йиғланга ва қўлишига ўргатаман. Чунки мен унга дўстман».

Махкам МАҲМУД таржумаси

Кулмат қашаннинг кўшниси, устомон Ваҳоббой уйига яқин бўлгани учун унинг ерини олиб, устига тўрт-беш сўм пул қўшиб, ажриқордан олти сотих ўз ерини бунга улчаб берди.

— Кулмат қашанга бўлаверади, — деди. — Бошқа килар иши йўқ, уч-тўрт йилда ажриқордан тозалаб олади.

Бу гап айланиб Кулматнинг қулোগа ҳам етиб келди. Алам қилди. Йўқчилик боис озгина пулга ўчиб, ерини алмаштирганига минг пушаймон бўлди. Уч кун ўтиб ўйлади. Охир бир хулосага келиб, кўчага чиқди. Катта йўл унча узок эмас. Сурхондарёга қатнайдиغان нотаниш камазчини тўхатиб, гап ўргатди. Қўлига беш минг сўм пул берди.

— Илтимос, Ваҳоббойга шу қарз гапимни етказсангиз. Менинг вақтим зик, пул олиб келиш учун банкка кетдим, — деди.

АЖРИҚНИНГ НАРХИ ҚАНЧА

Уйга келиб, кўк чойни дамлаб ичиб ётди. Эртаси кун тонгда эшик тақиллади. Чиқиб қараса, Ваҳоббой.

— Кулмат ака! (Кулмат қашанг эмас) Шу бултур биздан олган ерингизни ажриқордан тозалаб берсам. Отам тушимга кирибдилар, «Кўшнинг ҳақиқига хиёнат қилма, болам. Ерини тозала бер», — дедилар.

Унинг ёлгон гапиришини кўриб, Кулматнинг баттар қитмирлиги тудди, бошини қашиб туриб:

— Керакмас, — деди. — Ўзим уч-тўрт йилда тозалаб оламан. Бунинг томирини фойдали деяптилар...

— Жон акажон, — Ваҳоббой астойдил ялинишга тушди. — Отам арвоҳининг ҳақи-хурмати, шу ерингизнинг ғумайини ўзим тозалаб берай.

Кулмат қашанг бироз ялинтириб рози бўлди: — Майли. Отанг яхши одам эди, раҳматли, шунинг хурмати. Сенга қолса, бир тутам ҳам ажриқ бермас эдим, — деди.

Ваҳоббой одамларини чақириб келди. Уйнинг олди-тарози ўрнатиб, килоси 200 сўмдан уч кун ғумай қабул қилди. Кулматнинг ери ҳам, ариқ рошларигача бутун қишлоқ ажриқордан тозаланди.

Алқисса, камазчи Ваҳоббойга Тошкентдаги бизнесмен ўртоғидан салом айтиб, «Ажриқ томирини тўтлай-версин, бир камаз бўлганда менга хабар қилсин, килосига саккиз юздан бериб, ўзим сотиб оламан. Чет эл фирмаси сўраятти, кечикмайлик, деб тайинлади», — деган экан.

Ҳажвия

Ориф ҲОЖИ.

ИТАЛИЯЛИКЛАРГА ОМАД КУЛИБ БОҚДИ



ФУТБОЛ

Миллионлаб футбол мухлислари томонидан катта қизиқиш билан кузатилган футбол бўйича XVIII Жаҳон чемпиони баҳслари ҳам ўз ниҳоясига етди. Жаҳоннинг энг кучли 32 терма жамоаси Олтин кубокни кўлга киритиш мақсадида 64 та

ўрнига эга клубларни мағлубиятга учрата олди. Ҳал қилувчи учрашувда Марчелло Липпи шогирдлари Италия футболчилари французлардан устунлигини ҳаммага исботлашди. Финал баҳсида Италия пенальтилар сериясига кўра ғалаба қозонди ва футбол тарихида тўртинчи маротаба бош совринни боши узра баланд кўтарди. Италия — чемпион.

Италия футболчилари бундай шарафга 24 йил аввал сазовор бўлганди. Улар майдонда матонат, ғалабага бўлган иштиқлари туфайли муваффақиятга эришдилар. Айниқса, ярим финал ва финалда кўрсатган ўйинлари таҳсинга лойиқдир. Энди уларни тўрт йил мобайнида кўкларга кўтариб мақташди. Италия мураббийи Марчелло Липпи эса ўз коллециясига жаҳон чемпионатининг олтин медалини қўшиб қўяди.

Германияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионати ҳам тарихга айланди. Барча жамоалар учун галдаги вазиға 2010 йилда ўтказиладиган мундиал баҳсларига пухта тайёргарлик кўриш бўлса ажаб эмас. Биз истардикки, катта футбол байрамиде ватанимиз футболчилари ҳам иштирок этишсин. Жаҳон майдонларида Ўзбекистон байроғи хилпираб турсин.

с.ШОШИЙ тайёрлади.

Халқаро воқеалар

АКАСИ — ПРЕЗИДЕНТ, УКАСИ — БОШ ВАЗИР

Польша президенти Лех Качинский ўзининг эгизак укаси Ярославни мамлакат бош вазири этиб тайинлади.

Илгарироқ президент собиқ бош вазир Казимеж Марцинкевичнинг истеъфосини қабул қилган эди. Мамлакат раҳбари янги бош вазирга ўз вазиғларини тўлиқ ба-жариши, ҳатто ҳукуматни қайтадан тузиши лозимлигини таъкидлади.

ШАМИЛ БАСАЕВ ЙЎҚ ҚИЛИНДИ



Россия Федерал хавфсизлик хизмати томонидан Ингушетияда ўтказилган махсус тадбир натижасида чечен кўпоруқчилари етакчиси Шамил Басаев ва унинг яқин сафдошлари йўқ қилинди. Бу ҳақда ФХХ жамоатчилиги билан алоқалар маркази хабар тарқатди.

Ака-ука эгизакларнинг давлатдаги икки асосий лавозимини эгаллаши билан боғлиқ бу ҳолат Европа тарихида биринчи марта кузатилмоқда. Илгарироқ Ярослав акасининг президентлиги даврида бош вазир бўлиши мумкинлигини қатъий рад этаётган эди.

ФХХ директори Николай Патрушевнинг сўзларига қараганда, бу тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилишига хорижда, жумладан, терактлар содир этиш учун қурол олиб келинаётган мамлакатларда оператив позицияларнинг яратилганлиги асосий омил бўлган.

Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Эжаево туманида ичиде катта миқдорда портлатувчи моддалар

ва қурол-яроғ бўлган «Камаз» русумидаги юк машинаси портлатиб юборилган. Ҳозирда портлаш ўз берган жойда қолган реактив снарядларни зарарсизлантириш ва бошқа суриштирув-тергов ишлари давом эттирилмоқда.

Россия президенти Владимир Путин махсус тадбирнинг муваффақиятли амалга оширилганлиги билан табриқлаб, уни «Беслан, Будёновск ва бошқа ҳудудларда содир этилган терактлар

чун муносиб жавоб» дея таъкидлаган. Махсус хизматларнинг таъкидлашича, ўлдирилганлар орасида Шамил Басаев борлиги аниқ бўлса-да, унинг шахсини тасдиқлаш учун генетик экспертиза ҳам ўтказиланди.

Россия бош прокурори Юрий Чайка шахси тасдиқлангач, Шамил Басаевга нисбатан қўзғатилган жиноят иши туғатилишини маълум қилган.

124 КИШИ ВАФОТ ЭТДИ...

Якшанбага ўтар кечаси Иркутскда юз берган даҳшатли авиакатастрофа натижасида охири маълумотларга қараганда, самолёт бортидаги 203 нафар йўловчининг 124 нафари вафот этган, 70 нафари жароҳат олган.

Москва-Иркутск йўналиши бўйича учган бу самолёт Иркутск аэропортига қўнаётган чоғида ҳалокатга учраган. Ҳозирча аниқ сабаблар ҳақида ҳеч нарса маълум қилинган йўқ. Россия транспорт вазири Игорь Левитиннинг сўзларига қараганда, А-310 русумли самолёт қолдиқлари россиялик ва француз мутахассислари томонидан техник экспертиза қилинган. «Қора кўтилар» эса ўрганиш учун Москвага келтирилган. Ҳалокат сабаблари уларни ўрганиб чиққан, маълум бўлади.

10 июнь кунини дунёнинг бошқа бурчақларида ҳам қатор авиакатастрофалар содир бўлди. Кримда учётган пайтида Ту-134 самолётининг двигателларидан бири ёниб кетди. Ҳеч

ким зарар кўрмади. Покистоннинг Мўлтон шаҳрида йўловчи самолётининг ҳалокати натижасида 45 киши нобуд бўлди. Бир неча кун бурун Конго Республикасида самолётнинг кулаб тушиши натижасида беш киши, жумладан, уч нафар Россия фуқароси ҳалок бўлди.

Шунингдек, Анталия-Москва, Владивосток-Екатеринбург йўналишларида ҳаракат қилаётган самолётларда ҳам техник носозликлар оқибатида мажбурий қўнишлар қилинган. Ҳеч ким зарар кўрмаган.

ҲИНД РАКЕТА ТАШУВЧИСИ ҚУЛАБ ТУШДИ

Душанба кунини Хиндистон давлати томонидан самога учирилган GSVL русумли ракета ташувчисининг техник носозлиги натижасида «Инсат-4С» телекоммуникацион йўлдошини орбитага олиб чиқиш муваффақиятсиз қўнланган.

Мамлакатнинг жанубий-шарқий қисмида жойлашган Шрихарикот космодромдан учирилган ракета ташувчи бир неча сониядан сўнг ўз йўналишидан чеккага чиққан ва Бенгал кўлига кулаб тушган.

ТЎРТ НАФАР ҲАРБИЙ ХИЗМАТЧИГА АЙБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

АҚШда Ироқдаги ҳарбий хизматчилар билан боғлиқ можоро юз берди. Тўрт нафар ҳарбий хизматчи март ойида Ал-Махмудия шаҳридаги ироқлик оилалардан бирига бостириб кириб, оила аъзоларини ўлдирилганда айбланишмоқда.

Тергов ҳужжатларида ёзилишича, бу ҳақда яна бир нафар аскар билан, аммо у тегишли жойга хабар бермаган. Унга нисбатан ҳам айб эълон қилинади. Ҳарбий хизматчилар уйга бостириб кириб, ёш аёлни зўрлаб, ўлдиришган. Кейин унинг ота-онаси ва 5 ёшар синглисининг жонига ҳам қасд қилишган.

Суд 8 августда бошлангани кутилмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Мўмин ота ҲАМРОЕВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Ҳамидов Рустам УСМОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

«Миллий тикланиш» демократик партияси. Logo and contact information.

Тахрир хайъати. Contact information.

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 133-67-51, Бўлимлар — 136-58-80, 136-56-29. Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят базасида терилди ва саҳифаланди. Саҳифачи: Шероф ҲАЙТИМУРОВ. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158.

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 923. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 2108. Сўтуде аркин нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшдорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.